Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

15 июль, сешанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 147 (1664)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

14 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган ЕХҲТ Бош котиби Жанкарло Арагонани қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги муносабатларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганини қайд этар экан, Жанкарло Арагонанинг ушбу ташрифи ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги муҳим қадам эканини таъкидлади.

-- ЕХҲТга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Хельсинки, Будапешт ва Лиссабон саммитларида иштирок этиб, дунё миқёсида ушбу ташкилот нуфузи ўсаётганига гувоҳ бўлдик, -- деди Ислом Каримов. -- Лиссабон саммитида Ўзбекистон қуролли можаролар бўлаётган давлатлар ҳудудига қурол-яроғ олиб киришни тақиқлаш тўғрисида таклиф киритди ва бу таклиф ЕХҲТ томонидан маъқулланди. Биз жаҳон сиёсат майдонидаги ўрни ва аҳамияти ортиб бораётган бу ташкилотнинг барча тузилмаларида фаол қатнашиш тарафдоримиз.

ЕХҲТ Бош котиби Ж. Арагона Ўзбекистон билан ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот ўртасидаги алоқаларнинг равнақ топаётгани ва фаоллашаётганидан мамнуният изҳор этиб, истиқболда мазкур алоқалар кўлами янада кенгаяжагига умид билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида ЕХҲТнинг Марказий Осиё билан алоқалар бюроси раҳбари Ганчо Ганчев ҳозир бўлди.

Суратда : қабул пайти.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Бош котиби Жанкарло Арагона раҳбарлигидаги делегация аъзолари Олий Мажлисга ташриф буюрди.

Суҳбат чоғида Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов меҳмонларни мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар, фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирди. Шунингдек, раис республика Олий Мажлис фаолияти ҳақида тўхталиб, парламент тизимини такомиллаштириш учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётганини таъкидлади.

Учрашувда томонлар ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

Учрашувда ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

* * *

Шу куни Ж. Арагона ташқи ишлар вазири А. Комилов билан ҳам учрашди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик, шунингдек, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЕХҲТ делегацияси билан бўлган учрашувларда ушбу ташкилотнинг Марказий Осиё билан алоқалар бюроси раҳбари Ганчо Ганчев иштирок этди.

(ЎзА).

КЎКДУМАЛОҚ КОМПРЕССОР СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ТАБРИКНОМА

Азиз дўстлар!

Кўкдумалоқ конидаги улкан компрессор станцияси қурилишининг барча қатнашчиларини самимий қутлайман.

Маълумки, Ўзбекистон ноёб ёқилғи-энергетика ресурсларига эга. Республикамизнинг бой нефть-газ потенциали Ўзбекистоннинг энергетика мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш учун олдимизда янги имкониятлар ва истиқболлар очади.

Бугун ишга туширилган ноёб станция -- бу қурувчилар, монтажчилар, муҳандис-техник ходимларнинг, Қашқадарё вилояти меҳнатсевар аҳолисининг, ўз ҳиссаси билан Ўзбекистон индустриясининг яна бир муҳим объектини фойдаланишга топширишни тезлаштирган барча кишиларнинг фидокорона меҳнати натижасидир.

Ушбу лойиҳанинг муваффақиятли тугалланганлиги халқаро молия ташкилотлари, машҳур хорижий фирмалар ва компаниялар томонидан Ўзбекистонга нисбатан катта ишончнинг яна бир ёрқин исботидир. Ушбу лойиҳанинг ижрочилари -- «Дрессер» ва «М. Ю. Келлогг» (АҚШ), шунингдек, «Нишо Иваи» (Япония) компаниялари ҳиссасини алоҳида қайд этишни истайман. Республика ҳукумати Ўзбекистоннинг ривожи учун ушбу устувор лойиҳани маблағ билан таъминлашни ташкил этганлиги учун АҚШ ва Японияннинг Экспорт-импорт банкларига миннатдорлик изҳор қилади.

Барчангизни Кўкдумалоқ компрессор станцияси фойдаланишга топширилганлиги билан қизғин табриклайман, Сизларга мустаҳкам саломатлик, бахт ва янги ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича республика Миллий марказида Ўзбекистон ҳукумати билан БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ўртасида «Ўзбекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизими (1-босқич)» деб номланган Дастурни расмий имзолаш маросими бўлди.

Ҳужжатни БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори Акмал Саидов имзоладилар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан берилган расмий хабарга кўра, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилган мазкур дастур Ўзбекистон ҳукумати ҳамда БМТнинг Тараққиёт дастури (ЮНДП) доирасида амалга оширилади. Унинг биринчи босқичида республикада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ҳамда Олий Мажлис вакили (Омбудсман) фаолиятини қўллаб-қувватлаш асосий мақсад қилиб белгиланган.

Дастурни имзолаш маросимида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Ж. Арагона, ЕХҲТнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Ж. Штудманн ҳамда Тошкентдаги дипломатия корпуси вакиллари иштирок этди.

Маросим сўнгида қатнашчилар Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ томонидан ташкил этилган «Инсон ҳуқуқлари болалар тасаввурида» деб номланган фотокўргазмани томоша қилди.

(ЎзА).

МАЖМУА ЙИҒИЛИШИ

14 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев бошқарди.

Мажлисда ижтимоий соҳада иқтисодий ислоҳотлар боришининг биринчи ярим йил якунлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорининг ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Кун тартибидаги масалалар бўйича республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари Ш. Ёрматов, «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компанияси раиси Т. Юнусов, Фан ва техника давлат қўмитаси раиси П. Ҳабибуллаев ва бошқалар сўзга чиқиб, бу борада эришилган натижалар, мавжуд муаммолар ҳақида гапирдилар. Мажлисда мажмуа тасарруфидаги вазирлик, қўмита, идора, ташкилотларнинг биринчи ярим йилликдаги фаолиятига доир ахборотлари кўриб чиқилиб, улар ўз режаларида белгиланган вазифаларни асосан бажарганликлари таъкидланди. Жумладан, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилишини таъминлаш, ижтимоий, маънавий-маърифий соҳаларда, илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш борасида муайян ютуқлар қўлга киритилган.

Айни вақтда вазирлик, қўмита, идора ва ташкилотлар ҳали ўз имкониятларидан етарли даражада фойдаланмаётгани алоҳида қайд этилди. Айрим ҳолларда белгиланган ишларнинг фақат қоғозда қолиб кетиши, ишга етарлича масъулият билан қарамаслик оқибатида яхшигина ўйланган режалар амалга ошмай қолиши кузатилмоқда. Бу каби нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди, мажмуа таркибига кирувчи вазирлик, қўмита, идора ва ташкилотлар раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

(ЎзА).

БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ: ЮТУҚЛАР ВА КАМЧИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мажмуининг мажлиси бўлди.

Мажлисда бозор инфратузилмасининг йилнинг биринчи ярмидаги ишлари якуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Инсон манфаатларини таъминлаш борасида «1997 йилда амалга ошириладиган тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётгани кўриб чиқилди. Вазирликлар, идоралар, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари, корхоналар, бозор инфратузилмаси муассасалари раҳбарлари таклиф этилди. Мажлисни Бош вазир ўринбосари, мазкур қўмита раиси В.Чжен бошқарди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мажмуи йилнинг биринчи ярмида республика вазирликлари, идоралари, бозор инфратузилмаси муассасалари билан биргаликда ҳукуматнинг халқ хўжалиги иншоотларини хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш хусусида берган топшириқларини асосан бажаргани айтилди. Инсон манфаатларини таъминлаш чора-тадбирлари дастури изчиллик билан амалга оширилмоқда. Президентнинг «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва республика фонд бозорида хорижий инвеститорлар иштирокини кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан собитқадамлик билан иш олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, мажлисда бир қанча вазирлик ва идораларнинг ўзларига қарашли иншоотларни хусусийлаштириш, сотиб олиш тўловларини ундириш, ҳисобга олиш ва дивиденд беришни ташкил этишга доир фаолияти қониқарсиз экани таъкидланди. Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўлаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг эътибори акцияларни сотиш, хорижий банклар томонидан очилган кредит йўллари бўйича кредит олиш учун лойиҳаларни тайёрлаш, акцияларнинг давлатга қарашли улуши бўйича дивидендлар ҳисоблаб ўтказилиши ҳамда ундан фойдаланишни назорат қилиш, шаҳарлар ва туманларда маҳаллий дастурларни амалга ошириш топшириқлари етарли даражада самарали бажарилмаётганлигига қаратилди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мажмуининг барча бўлинмаларига, бозор инфратузилмаларига келгуси йилда хусусийлаштириш ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш концепциясини августга қадар тақдим этиш топширилди, мавжуд камчиликларни дарҳол тугатиш ва ўз фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган барча масалаларни қисқа муддатда ҳал этиш таклиф этилди.

(ЎзА).

Президент Ислом Каримов мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини белгилар экан, нефть ва газ саноатини замонавий технологиялар асосида ривожлантиришни, мамлакатда ёқилғи мустақиллигига эришишни устувор йўналишлар сирасига киритган эди. Республикамизда бу борада улуғвор ишлар амалга оширилмоқда. Кўкдумалоқ ва Мингбулоқ конларини ўзлаштириш, Коровулбозорда қурилиши битказилаётган нефтни қайта ишлаш заводи, Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонасининг тубдан таъмирланаётгани шулар жумласидандир.

ЯНГИ СТАНЦИЯ ИШГА ТУШДИ

Кўкдумалоқ нефть конлари мажмуини чўл бағридаги хазинага қиёслаш мумкин. Бу ерда Ўзбекистон, Америка Қўшма Штатлари ҳамда Япония мутахассислари ҳамкорликда бунёд этган Кўкдумалоқ компрессор станцияси ишга туширилди. 14 июль куни мазкур иншоотнинг тақдимот маросими бўлди. Унда бир қанча вазирликлар, идора ва ташкилотлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар, республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Маросимни Қашқадарё вилоят ҳокими О. Пармонов очди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг станция қурилиши қатнашчиларига йўллаган табрикномасини республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков ўқиб эшиттирди.

Тақдимот маросимида Американинг «Дрессер интернэшнл» компанияси президенти К. Аллен, «Бухоронефтьгазқурилиш» трести бошқарувчиси Б. Ҳафизов, Муборак газ саноати бошқармаси бошқарувчиси И. Келиш компрессор станциясининг энг замонавий ускуналар билан жиҳозлангани, ноёб иншоотнинг қисқа муддатда барпо этилгани, у халқлар ўртасидаги тенг ҳамкорликнинг самараси экани хусусида гапирдилар. Унинг мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг олий мақсади -- халқ фаровонлигига хизмат қилажаги хусусида тўхталдилар.

Кўкдумалоқ компрессор станциясининг нафақат МДҲ мамлакатлари, балки бутун дунёда ўхшаши йўқдир. АҚШнинг «М. Ю. Келлогг», «Дрессер» ва Японияннинг «Нишо Иваи» компаниялари иштирокида бунёд этилган бу иншоот олти юз атмосфера босими билан ишлайди. Бир кеча-кундуздаги иш унумдорлиги 4,2 миллион куб метрни ташкил этади. Қурилишга сарфланган харажат, мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, уч ярим йилда қопланади. Энг муҳими, станциянинг муваффақиятли ишга туширилиши Ўзбекистон саноатига жалб этилаётган хорижий сармоялардан самарали фойдаланилаётганини яна бир карра исботлайди ва хорижий шерикларнинг мамлакатимизга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Қурувчилар станциянинг рамзий калитини фойдаланувчиларга топширдилар. Маросим қатнашчилари корхонанинг иш жараёни билан танишдилар.

Тақдимот маросимида республика Бош вазирининг ўринбосарлари Қ. Ҳаққулов, В. Чжен, Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси С. Эскудеро қатнашди.

(ЎзА).

● *ФАРМОН ВА ШАРҲ*

ИҚТИСОДИЁТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ САРИ

Ўтган ҳафтада матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Айланма маблағларнинг сақланиши ва ўз вақтида тўлдирилиши учун жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Албатта, бозор муносабатларига ўтишда рақобатбардош маҳсулот етиштириш, даромад салмоғини ошириш учун корхонанинг айланма маблағи етарли бўлиши лозим. Айланма маблағни мақсадли ишлатмасдан, дуч келган ўринда совуриш охир-оқибатда хўжалик субъектини банкротликка олиб боради. Шу маънода, айланма маблағларнинг иқтисодиётдаги ўрнини идрок этиб олайлик. Айланма маблағлар корхоналар учун— ҳисоб рақамидаги маблағ, корхона кассасидаги нақд пул, маҳсулот заҳиралари, хомашё ва материаллардан иборат. Банк учун -- омбордаги ашёлар, банк кассасидаги нақд пул, мухбирлик ҳисобидаги мижозлар маблағлари айланма маблағларга киради. Маълумки, айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги айланма фондлар ўртасидаги нисбатга боғлиқдир. Бевосита ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган айланма фондларнинг салмоғи қанчалик кўп бўлса, айланма маблағлардан шунчалик самарали фойдаланилади. Амалиётда айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг айланиш коэффициенти билан ўлчанади. Бу коэффициент бир йил ичида реализация қилинган маҳсулот қийматининг айланма маблағларнинг ўртача қолдиғига нисбати сифатида аниқланади. Бу кўрсаткич айланишлар сонини ва айни вақтда айланма маблағлар самарадорлигини, яъни айланма маблағларнинг бир сўмига тўғри келадиган сотилган маҳсулот суммасини кўрсатиб беради.

Фармонда айланма маблағларни сақлашга масъулиятсизларча муносабатда бўлинаётганлигининг ҳақиқий сабаблари жуда тўғри кўрсатиб берилган. Қайси корхонада маҳсулотни қандай сотиш ҳақида ўйлаб кўрилмасдан, омборга тиқиб қўйилса, ўша ерда айланма маблағлар самара бермайди, хўжаликни юритиш мураккаблашади. Шу боисдан ҳам Фармонда айланма маблағларнинг сақланишини ва ўз вақтида тўлдирилишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш, шунингдек, тўлов интизомини мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида уқтирилган, ҳар бир жабҳа ёки мутасаддининг асосий вазифалари бандма-банд белгиланган.

Бу борадаги аҳволни ўнглаш учун солиқ қонунчилигига риоя қилинишини назорат этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Қатор жойларда молиявий аҳвол қониқарсиз қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. «Халқ сўзи» газетасининг 4 апрель со-

(Давоми 2-бетда)

СУВ – ХУСУСИЙ МУЛКМИ?

Сўнгги йилларда ҳудуди сув манбаларига бой баъзи ёш давлатларда «бутун халқ номидан» сўзлашни ўзига одат қилиб олаётган ижтимоий арбоблар пайдо бўлиб, масалан, улар оқар сувни ўз давлатларининг мулки деб эълон қилишгача етиб бормоқдалар. Ва бу билан улар ўзларининг сув муаммолари билан боғлиқ халқаро қонунчиликдан мутлақо бехабар эканликларини кўрсатиб қўймоқдалар. Уларнинг фикрича, табиатнинг бу ноёб бойлигидан бироз қисинган қўшни давлатлар гўё ўз ҳудудларига оқиб кираётган сув учун «сув боши»даги давлатга ҳақ тўлашлари зарур экан.

Халқаро амалиётда ҳеч бир замонда биров бошқа бировга табиий сув учун товон тўламаганлигига бу арбобларнинг ишониши қийин бўлаётганлиги сабабли, биз уларга айрим мантиқий хулосаларни эслатиб қўйишни бурчимиз, деб биламиз. Шу нуқтаи назардан, келинг, сув ўзининг табиий ҳолатида нимадан иборат эканлигини кўриб чиқайлик. Маълумки, табиатда сув узлуксиз айланма ҳаракатда бўлиб, шу жараёнда у турли табиий ҳолатларда кўринади. Энг аввало, сув жаҳон океанлари шаклида намоён бўлади. Сўнгра унинг бағридан буғланган сув атмосфера намига айланиб, ҳовур ва булутлар шаклида ҳавога кўтарилади.

Ҳавонинг фазода кўчиб юриши муносабати билан атмосфера нами бошқа қитъаларга ўтиб, бу ҳудудларда қуруқ заминдан кўтарилган сув буғларини ҳам ўз таркибига олади. Ер атмосферасида улкан миқдорда нам йиғилади. Масалан, Марказий Осиё давлатлари устидан ҳаво оқимлари орқали йил мобайнида деярли 3 минг куб километр атмосфера нами ўтади. Шундан ёмғир ва қор шаклида заминимизга 130 куб километр миқдорида ёғингарчилик тушади. Бу тепамиздан ўтган атмосфера наминнинг бор-йўғи 4 фоизини ташкил этади, холос. Ёғингарчиликнинг бир қисми тоғларга тушиб, асрий музликлар ва қорликларнинг кўпайишига улуш қўшади, қолган қисми эса ерости ва ерусти оқоваларига айланади.

Атмосфера нами ер устидан ўта туриб тупроқдаги нам, ўсимликлар дунёси ва қуруқликдаги сув сатҳлари билан ўзаро алоқага киришиб, узлуксиз равишда ўзини янгилайди. Марказий Осиё ҳудудида бу жараён атиги бир неча кун ичида юз беради. Ер устида тўпланиб ва унинг бағрига ёғингарчилик тарзида тушгач, бу намликнинг бир қисми тағин буғланиб ҳавога кўтарилади, атмосфера оғушига сингиб, ҳаво оқимлари билан бошқа манзилларга йўл олади.

Шундай бўлгач, сув-атмосфера нами ҳолидаги табиий шаклида хусусий мулк бўла оладими? Фикримизча, жавоби ўз-ўзидан маълум: сув бундай ҳолатда асло хусусий мулк бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда атмосферадаги ҳавони ҳам хусусий мулк деб эълон қилишга тўғри келади. Бу эса бориб турган бемаъниликдир.

Қолаверса, ерда қолган намликнинг бир қисми тупроққа сингиб, уни тўйинтиради. Тупроққа сингиган намлик эса ер қобиғининг сув ўтмас қаттиқ-метин қатламларигача етиб борадики, натижада ерости сув йўналишлари вужудга келади. Энди ер устидаги оқова сувларга айланган ёғингарчиликка келсак, у ирмоқ, дарё, кўл сингари сув ҳавзалари ва заҳираларини ҳосил қилади. Буларнинг ҳаммаси пировардида ер бағрига ютилиб, ўзаро қўшилиб, кутилмаган бошқа ҳудудда қайтадан ёруғликка чиқиши табиий бир ҳолдир.

Дарёлар ва, умуман, ҳар қандай ер устидаги сув оқимлари тўғрисида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин. Масалан, дарёнинг суви, у қайсидир, давлат ҳудудини кесиб ўтишидан қатъий назар, ерга сингиши ва тармоқланиб тарқалиши оқибатида камайиши ва, аксинча, бошқа бир жойда ёнатрофдаги ирмоқлардан, оқовалардан қўшилган сув ҳисобига кўпайиши табиий. Кўриниб турибдики, дарё ўзанидан оқаётган сув ҳамиша ўзини янгилаб боради. Қадимда юнонлар «Бир сувга зинҳор икки марта кира олмайсан», деб бежиз айтмаган.

Хуллас, бир маъмурий ҳудудда мавжуд бўлган сув ер бағрига сингиб, кўринмас йўллар орқали бошқа маъмурий ҳудудларда пайдо бўлса, уни кимнинг мулки деб ҳисоблаш керак? Сувни «хусусий мулк» дегувчи шахсларга бундай саволни бериш ўринли, деб биламиз.

Тиёншон ва Помир тоғларининг музлик ва қорликлари тўғрисида ҳам икки оғиз гапириб ўтсак: улардаги сув заҳираси, асосан, жаҳон океани билан қўшни ва ундан йироқда жойлашган кўпгина давлатларнинг ҳудудидан ўтиб, шу мамлакатлардаги ерости ва ерусти намликларидан тўйинган ҳаво оқими орқали етиб келган оби-ҳаёт-ку?! Бу -- биринчиси. Иккинчидан тоғлардаги музлик ва қорликлар ҳам эриб, оқар сувга айланиб, ўз навбатида ўзидан қуйи ҳудудлар олдидаги «қарзини узади». Шу маънода, музликлар ва қорликлар ҳам узлуксиз ҳаракатда, янгиланишда ва намликнинг бошқа турлари билан доимо ўзаро алоқа ва ҳамкорликда бўлиб, бу жараён эса секин, аммо узоқ муддат кечади.

Энди ўзингиз айтинг: алоҳида бир маъмурий ҳудуд ёки алоҳида бир давлат узлуксиз ҳаракатда бўлган, узлуксиз равишда бир табиий ҳолатдан бошқа ҳолатга айланиб, доимо янгиланиб, ерости ва ерусти йўллари орқали мамлакатлараро ўтиб юрадиган сув ресурсларини қандай қилиб, «хусусий мулк» деб билиши мумкин? Ҳаётий-табиий мантиқ ҳар жиҳатдан бунинг тескарисини кўрсатиб турибди. Яъни атмосфера ҳавоси мулк объекти бўлмаганидай, унинг таркибидаги сув, ҳамиша дунёни кезиб юрадиган оби-ҳаёт ҳам асло мулк объекти бўлиши мумкин эмас.

Тўғри, ғоят шартли маънода, умумий қоидалардан мустасно тариқасида айрим ва мутлақо маҳаллий аҳамиятга молик у ёки бу ҳавзадаги сувни муайян бир маъмурий ҳудудга қарашли, деб айтса бўлар.

Амударё ва Сирдарё каби ҳавзаларга тўхталсак, уларнинг сув ресурслари Марказий Осиё минтақасидаги барча давлатлар учун умумий бойлик ҳисобланади. Бу манбалардан фойдаланиш масаласи, албатта, сувга тааллуқли халқаро қонунчиликка қатъий амал қилиб тузилган давлатлараро битимлар асосида ҳал қилиниши лозим.

Хўш, бу масала хусусида ҳуқуқшуносларимизнинг фикри қандай? Сўз навбати энди уларга.

В. АНТОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Сувлойиҳа» бирлашмаси Бош директори.

● *ДОЛЗАРБ МАВЗУ*

ЙЎЛИНГДАН АДАШМАГИЛ, ТЎХТАҒУЛ!

Қирғизистон Республикаси ҳудудидаги Норин дарёсида қурилган Тўхтағул сув омбори кўп йиллардан буён нафақат бу республиканинг жанубини, балки бутун Сирдарё ҳавзасини оби-ҳаёт билан таъминлашни кафолатлаб келмоқда. Бу ҳавзага эса Ўзбекистоннинг Фарғона водийси, Тожикистоннинг Хўжанд, Қозоғистоннинг Шимкент ва Қизил Ўрда вилоятлари ҳам киради.

Тўхтағул сув омборида ҳар йили 19,5 куб километр сув йиғилиб, у сув танқис йилларда 455 минг гектар суғориладиган ерларни оби-ҳаёт билан таъминлаш, қўшимча равишда 100 минг гектар майдонни суғориш ҳамда йилига ўртача 4 миллиард киловаатт-соат шу жумладан, қиш ойларида 1,1 миллиард киловаатт-соат электр қуввати ишлаб чиқариш имконини беради. Бу, албатта, лойиҳада кўзда тутилган. Аммо...

Сув омбори биринчи навбатда ирригация талабларига мос бўлиши шарт. Бу ерда қурилган ГЭСда ишлаб чиқариладиган электр қувватига эса омбордаги сув миқдорининг бевосита натижаси тарзида қаралиши лозим.

Тўхтағул сув омборининг лойиҳада белгиланган иш тартиби шу билан ажралиб турадики, унда йилнинг аксарият қисмида (масалан, кузда, қиш ва баҳорда) асосий сув жамғарилади. Бу даврда заҳирадан фақат санитария, хўжалик манфаатлари учун ҳамда ичимлик суви эҳтиёжларига тегишли миқдорда сув берилиши лозим. Ёзги вегитация (суғориш) даврида сув омборидан унга яқин ерларни суғориш мақсадларида тўла-тўкис фойдаланилади.

Бундай иш тартибига, амал қилинса, сирасини айтганда, сув заҳираси узоқ муддат ва юксак даражада сақланиши ҳамда ГЭСнинг тўла қувват билан ишлаши учун етарли миқдорда босим ҳосил қилинишига ҳам эришилади.

Тўғри, 1988 йилда мазкур сув омбори биринчи марта сувга лиммо-лим тўлдирилиб, ундан мавжуд ерларни суғориш ҳамда етарли электр қуввати ҳосил қилишга муваффақ бўлинди. Суғориш даврлари ўртасида электр энергияси ҳосил қилиш эҳтиёжлари учун йилига ўрта ҳисобда 2,85 куб км. миқдорида сув ажратилди. Бироқ 1990 йилдан бошлаб Қирғизистон ҳукумати бир ёқлама тарзда иш юритиб, яъни қўшни республикалар билан тузилган сув омборидан фойдаланиш бўйича мавжуд келишувларни бузиб, унинг ирригация мақсадларидаги мўлжалланган йўналишларини энергетика ишлаб чиқариш томонга кескин ўзгартирди. Натижада лойиҳага зид равишда 1990 йилда вегетация (суғориш) даврлари ўртасида ГЭС орқали 285 куб км. ўрнига 3,7 куб км., 1991 йилда -- 4,6 куб км., 1992 йилда -- 5,6 куб км., 1993 йилда -- 5,0 куб км., 1994 йилда -- 9,8 куб км., 1995 йилда -- 7,9 куб км., 1996 йилда эса 8,5 куб км., сув ўтказилди. Бошқача айтганда, сўнгги етти йил мобайнида қиш ойларида қўшимча 1,4 миллиард киловаат соат электр қуввати ишлаб чиқариш мақсадида суғоришга аталган 23,0 куб км. ҳажмдаги сув самарасиз оқизиб юборилди. Ҳолбуки, шунча миқдордаги оби-ҳаёт Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистоннинг ушбу сув омборига яқин ерларини 2-3 йил давомида қондириб суғориш учун етарли эди.

Фақат шугина эмас, қиш даврида барча меъёрий ҳужжатларга амал қилмасдан, тўғондан ҳалдан ошиқ сувнинг оқизиб юборилиши туфайли Сирдарёнинг ўрта оқимида, яъни Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ҳудудларида сунъий сув тошқинларини юзага келтирди. Бугунги кунда эса бу сув Арнасой паст-текисликларида беҳуда оқиб ётибди.

1990-1996 йилларда мабодо сув танқислиги юз берганида, Сирдарё ҳавзасида қишлоқ хўжалиги соҳаси ачинарли аҳволга тушиб қолиши ҳеч гап эмасди. Бахтимизга, бу даврда сув етарли бўлди. Бироқ, афсуски, бундан кейин ҳам сув мўл-кўлчилиги барқарор сақланиб қолишига ҳеч ким кафолат беролмайди. Сирдарёнинг сув миқдори юзасидан узоқ даврга мўлжалланган тахминлар ва 1910 йилдан бошланган кўп йиллик кузатишлар шундан далолат берадики, бизда сув танқислиги бошланганига бир неча йил бўлди, бундай ҳол 2002 -- 2005-йилларгача давом этиши мумкин.

Агар Тўхтағул сув омборининг сув заҳираси қиш ойларида қирғизистонлик биродарлар томонидан электр энергияси ишлаб чиқариш учун ҳозирги суръатларда сарфланаверса, биз одатдаги сув омборидан айрилиб қоламиз. Охир-оқибатда Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистоннинг унга ёндаш ерлари ёз фаслида сувсиз қоладики, бу нималарга олиб келишини тасаввур этиш қийин эмас.

Ҳамма бало шундаки, Тўхтағул сув омборидан бу қадар ўзбошимчалик билан фойдаланиш натижасида Қирғизистоннинг ўзи ҳам яқин келгуси йиллар ичида оғир иқтисодий зарар кўриши табиий. Сабаби -- Тўхтағул ГЭСи агрегатлари ишлаб чиқарадиган электр қуввати миқдори омбордаги сувнинг сатҳи пасайиши шароитида йилига камида 1,7 миллиард киловатт-соат, шу жумладан, қиш ойларида 0,5 миллиард киловатт-соат камайиб кетади.

Бошқа барча гидроқурилишлар сингари Тўхтағул сув омбори одамлар ҳаётини яхшилаш, фаровонлигини таъминлаш мақсадида бунёд этилганки, бу ишга худбин ният аралашса, у одамзоднинг зарарига ҳам хизмат қилиш мумкинлиги юқорида айтилганлардан тўла-тўкис англашилади.

Борди-ю, қиш ойларида электр энергияси ҳосил қилиш учун зарур деб омбор заҳирасидаги сув баҳор ва ёз ойларида далаларни суғоришга берилмай, ушлаб турилса ва аксинча, у айнан қиш ойларида беҳуда оқизилса, наинки сув омбори атрофидаги ерлар, балки қадимдан суғориб келинаётган 500 минг гектар катта кенгликдаги ер ҳам қурғоқчиликка юз тутиши тайин. Ҳолбуки, бу ердан Тўхтағул гидроузели қурилишидан олдин, яъни Сирдарё ўзининг табиий оқими билан оқиб турган пайтларда, унинг оби-ҳаётидан ҳамиша яшнаб турган эди.

Сирдарё ва унинг ирмоқлари сувларидан фойдаланиб келинаётган Марказий Осиёдаги барча республикаларнинг муштарак манфаатлари бу муаммони ҳал этишни пайсалга солмасликни тақазо этади. Агар бу муаммо ечимига барча тегишли республикалар вакиллари қардошларча ўзаро манфаатдорлик ҳис-туйғулари билан ёндашсалар, юз берган танг вазиятдан безарар чиқиб кетиш йўллари шак-шубҳасиз топилади. Бунинг учун ҳали манфаатдор томонлар ўзаро учрашиб, кенгашган ҳолда оқилона чора-тадбирларни излаб топишлари муҳим вазифа бўлиб турибди.

Н. ГИЛЕНКО,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор, «Сувлойиҳа» бирлашмасининг лойиҳалаш бўйича бош муҳандиси.

(Давоми. Боши 1-бетда)

нида Қувасойдаги «Кварц» ҳиссадорлик жамиятида ношуд раҳбарлар айби билан айланма маблағлар йўқ қилиниши қандай оқибатларга олиб келганлиги ҳақида ҳикоя қилинганди. Афсуски, бундай корхоналар республикамизда ягона эмас.

Айтайлик, 1997 йил бошида республика бўйича 57 минг ҳолатда 194,2 миллиард сўмлик дебиторлик қарзи мавжуд бўлса, жорий йилнинг 1 июнига келиб 83 минг ҳолатда жами 265 миллиард сўмлик дебиторлик қарз қайд қилинган. Шунга қарамасдан, қатор вазирликлар, идоралар, ассоциациялар, корпорациялар, хўжалик бирлашмалари бюджет тўловларини кечиктириш орқали муаммони осонгина ҳал этишга уринмоқдалар. Табиийки, бундай иш тутиш корхона молиявий аҳволини мустаҳкамламайди, тўлов қобилиятини яхшиламайди, балки боқимандаликка олиб келади. Вазирликлар, идоралар, ассоциациялар қуйи турувчи корхоналар даромадидан ўзларини боқиш учун катта маблағлар олган ҳолда ягона техника сиёсатини белгилаш, бозор конъюктурасини ўрганиш бўйича жиддий таҳлилий иш олиб боришмаяпти, ҳисоб-китоб ва тўлов интизоми ҳолатларини такомиллаштириш масалалари билан амалда шуғулланмаяптилар. Ана шундай ҳолатларни ҳисобга олиб, Фармонда дебиторлик-кредиторлик қарзлари ҳосил бўлишда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича таъсирчан чоралар кўриш зарурлиги уқтирилган. Фармоннинг 7-бандига биноан, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилса, иқтисодиётимизни соғломлаштириш сари муҳим қадам қўйилган бўларди.

Айни пайтда кўрилаётган амалий чоралар туфайли бир қатор корхоналарда молиявий аҳвол яхшиланиб бораётганлигини ҳам айтишимиз керак. Бу ўзгаришлар жойларда раҳбарлар бир даврадан ўтди. Ушбу далил корхонада молиявий аҳвол барқарорлашганидан дарак беради. Нега энди ҳамма жойда шундай ўзгаришларга эришиш мумкин эмас? Бу савол айланма маблағларнинг сақланиши ва тўлдирилишига совуқконлик билан қараётган корхоналар раҳбарларини жиддий ўйлантириши лозим.

Бугун хўжалик юритишнинг долзарб масалалари ҳақида сўз кетар экан, Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистоннинг 1996 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти якунлари ҳамда 1997 йил иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида кун тартибига қўйган вазифаларни эслатиш ўринли деб ҳисоблаймиз. Юртбошимиз баъзиларда молиявий натижалар учун масъулиятсизлик кўринишлари ҳақида гапириб, жумладан шундай дегандилар: «Жиддий огоҳлантириб қўймоқчиман: агар кимки, корхона раҳбарими, туман, шаҳар ёки вилоят марказий ва тижорат банкларининг тўловлар ва ҳисоб-китоб ишларини назорат қилиб юрган мутасадди раҳбарларми, шу масалага масъулиятсизлик ва лоқайдлик билан қараб, тузилган шартномаларни қўпол равишда бузиб, бажармасдан, қўлини қовуштириб ўтирганларни жиноий жавобгарликка тортиш керак».

ИҚТИСОДИЁТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ САРИ

Сирасини айтганда, Фармон корхона манфаатлари ва у ерда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг эҳтиёжларини ўйлаб фаолият кўрсатаётган раҳбарлар учун кенг имкониятлар яратиб беради. Шу билан бирга, айланма маблағларнинг сақланиши, мақсадли фойдаланилиши ва ўз вақтида тўлдирилиши учун юқори, ўрта, қуйи поғонадаги барча раҳбарлар зиммасига шахсан жавобгарлик масъулиятини юклайди.

Фармонда банкротлик билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилишни тезлаштириш зарурлиги ҳам алоҳида уқтириб ўтилган. Негаки, фаолияти зарардан иборат корхоналар нафақат ўзини қийнайди, балки унинг касри хўжалик алоқасига киришадиган бошқа ташкилотларга ҳам уради. Бошқача қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти табиати боқимандаларни ёқтирмайди.

Хуллас, мазкур Фармон корхоналар молиявий аҳволини яхшилашда, нотўловларни бартараф этишда, пировардида маҳсулот маъмурчилигига эришиш орқали ички ва ташқи бозорни тўлдиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
иқтисодий шарҳловчи.
Азим ЖЎРАЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«КИМНИНГ ҒИШТИ АРЗОН?»

(«Халқ сўзи», 1997 йил 12 июнь)

«Уй қуришнинг нимаси қийин»? деган саволга наманганликлар «ғишт топиш», деб жавоб берадилар. Ҳолбуки, вилоятда қирққа яқин ғишт заводи бўлиб, улар аҳолининг бу қурилиш ашёсига бўлган эҳтиёжини қондиришга қодир. Бироқ «Наманган бинокорлик материаллари комбинати» акционерлик жамиятига қарашли корхоналар ярим қувват билан ишлаяпти. Чунки бу ерда ишлаб чиқарилаётган ғишт меъёрий талабларга жавоб бермаслиги, қўлингизга олсангиз, уқаланиб кетаётганлиги туфайли харидорлар ва буюртмачиларга манзур бўлмаяпти. Газетамизда босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада ана шу нуқсонлар танқид қилинган эди.

Ушбу мақола юзасидан Наманган шаҳар ҳокимлигидан қуйидаги жавоб олинди:

«Кимнинг ғишти арзон?» сарлавҳали мақола «Наманган бинокорлик материаллари комбинати» акционерлик жамиятида соҳа раҳбарлари ва мутахассислари ҳамда Ўзбекистон Давлат қурилиш материаллари ишлаб чиқариш концерни раисининг ўринбосари Т. Ёқубов иштирокида муҳокама қилинди. Унда кўрсатилган камчиликлар тўғри, деб топилди. Корхонада ишлаб чиқариш технологияси талаб даражасида эмаслиги, ғишт тайёрлашда Ангрен гилмояси қўшилмаётгани маҳсулот сифатига салбий таъсир этаётгани қайд этилди. Акционерлик жамияти раҳбари О. Эгамбердиев зиммасига қисқа муддатда барча жиҳозларни таъмирлаш ва замонавий технологияга жавоб берадиган ҳолатга келтириш топширилди.

Шунингдек, ғишт сифатини яхшилаш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиб, унинг бажарилиши ҳақида концерн маъмуриятига ҳар ҳафтада маълумот бериб туриш акционерлик жамияти раҳбарияти зиммасига юклатилди. Ишлаб чиқаришдаги қолоқликка 9 ойлик якунлари бўйича барҳам бериш чоралари кўрилди.

М. ТОЖИБОЕВ,
Наманган шаҳар ҳокими».

МОМОЛАРДАН МЕРОС КАСБ

Тикувчилик аёлларимизга момолардан мерос. Азал-азалдан қадим Шарқда қўли гул чеварлар бежирим ва ихчам кийимлар яратганлар. Тикувчилик авлоддан-авлодга ўтиб келаётгани ҳам шундан. Юлдуз Рисқулова ҳам шу анъанани давом эттираётган чеварлардан. У пойтахтимиздаги «Юлдуз» ҳиссадорлик жамиятининг Бўкадаги филиалида қарийб 20 йилдан бери меҳнат қилиб келади. Меҳнат инсонни улуғлайди, деганлари рост экан. Юлдуз Рисқуловани жамоадошлари ай нан шу меҳнатсеварлиги ва самимийлиги учун ҳурмат қилишади. Бежирим ва ихчам либосларни кўрган харидор қўли гул тикувчиларга раҳмат айтса нежаб.

СУРАТДА: *тикувчи Ю. Рисқулова.*

Темур ҲАЙДАРОВ олган сурат.

● *БОЗОР ҚОНУНИЯТИ*

ИСТИҚБОЛСИЗ КОРХОНА

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йилнинг 11 декабрдаги «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги Фармони ҳамда шу асосда Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорга кўра, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси ҳузурида Иқтисодий ночор корхоналар ишлари билан шуғулланувчи махсус қўмита ташкил этилганди. Мана, орадан ярим йилдан зиёдроқ вақт ўтди. Ўтган муддатда қўмита ва унинг жойлардаги бўлинмалари қандай ишларни амалга оширдилар?

Қуйида мухбиримизнинг мазкур қўмита раиси М. УМАРОВ билан суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз.

-- Михаил Темирович, қўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларида бошқарув тизимини шакллантириш ҳамда иш юритиш жараёни қандай кечди? Бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

-- Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси банкротлик ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади. Олдимизга қўйилган асосий вазифа: хўжалик субъектлари банкротлигининг олдини олиш, иқтисодиётимизни самарасиз, қолоқ корхоналардан тозалаш бўлиб, бунда энг асосий эътибор инсон манфаатларига, ишчилар, уларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Қўмита ўз ишини иқтисодий ночор корхоналар тўғрисида маълумот йиғишдан бошлади. Бундай ахборот базасини биз Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари ва бошқа идоралардан оламиз. Бугунги кунда юқорида таъкидланган идоралар билан икки ёқлама келишиб, тўлов муддати 3 ойдан ортган корхоналар бўйича маълумот бериш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаганмиз. Бу маълумотлар тегишли бошқармамизда йиғилиб, корхоналар иқтисодий аҳволи таҳлил қилинади.

Маълумотлар йиғилиб бўлгач, «Корхоналарни иқтисодий ночорлигини аниқлаш бўйича кўрсаткичлар тизими»га солиниб, уларнинг иқтисодий ночорлиги ёки ночор эмаслиги аниқланади. Бунда улар бир неча гуруҳларга бўлиб чиқилади.

Масалан, иқтисодий ночор, иқтисодий яхши, лекин муддати ўтган кредиторлик қарзлари бор, иқтисодий ночорлиги яқин ва ҳ. к. Бу гуруҳ корхоналар алоҳида таҳлил қилиниб, икки ҳолатдан бири ҳақида хулосага келинади, яъни банкрот деб эълон этилади ёки санация қилинади. Бунинг учун корхоналар банкротлиги ва санация масалалари бўйича ҳукумат (ҳудудий) комиссиясига кўриб чиқиш учун ҳужжатлар тайёрланади. Шу ўринда мен бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман, иқтисодий ночорлик-банкротлик, дегани эмас. Шундай ҳолат аниқлангандан сўнг молиявий таҳлил бўйича методик тавсияномаларга асосан чуқур таҳлил қилиниб, сўнгра хулоса чиқарилади.

Навбатдаги босқич хўжалик судининг қарори билан якунланади ва корхоналар банкротлиги ва санация масалалари бўйича ҳукумат (ҳудудий) комиссиясининг хулосасига асосан банкрот, деб эълон қилинади ёки санация берилиши тўғрисида қарор қабул қилади. Хўжалик судида корхоналар тўғрисидаги ишни қабул қилиш ва қарор қабул қилиш жараёни хўжалик процессуал Кодексининг 68-моддасига асосан 2 ой муддатгача чўзилиши мумкин. Лекин бу жараён бир ойгача қисқартирилса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки банкротлик ва санация масалаларининг барча босқичлари ав-

● ЭРТАМИЗ ТАШВИШЛАРИ

ТАРБИЯНИ ҚАЧОНДАН БОШЛАМОҚ КЕРАК ?

Яқинда ёшлар тарбиясига бағишланган бир анжуманда иштирок этиб, чуқур қониқиш ҳосил қилдим. Чунки унда ёшлар тўғрисида умумий гап эмас, амалий ишлар хусусида фикр юритилди. Қилинган ишлар холисона таҳлил этилди, камчиликлар рўй-рост айтилди.

Мен шу ўринда Президентимиз ташаббуси билан ўтказилган «Давлат, оила ва жамият -- ёшлар тарбияси муаммолари» мавзусидаги республика конференциясини назарда тутмоқдаман. Шу анжумандан олган таассуротларим туфайли ҳаётий кузатишларим натижасида кўнглимда тўпланиб қолган фикр-мулоҳазаларимни билдиришни мақсадга мувофиқ деб топдим.

Дарҳақиқат, давлатимиз келажаги, унинг истиқболи ҳар томонлама билимли, етук, баркамол ёшларимизга боғлиқ. Шунинг учун ҳам уларни жисмонан соғлом, маънавий етук, маърифатли қилиб тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди.

Аввало шуни айтиш керакки, мустақиллик шарофати билан ёшларимизнинг билим ва ҳунар ўрганишлари учун кенг имкониятлар очилди, қулай шароитлар яратилди. Давлат мустақиллигига эришилган дастлабки пайтлардаёқ «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилганлиги ва шу номда жамғарма ташкил қилинганлиги, қобилиятли ёшлар ўқиш учун дунёнинг ривожланган мамлакатларига юборилаётганлиги, қолаверса, урф-одатларимиз, қадриятларимиз тикланиб, буюк аждодларимиз томонидан яратилган маънавий меросимиздан баҳраманд бўлиш имконияти вужудга келганлиги юқоридаги фикримизнинг далили бўла олади.

Биз энди болаларимизни, умуман ёшларимизни тарбиялашда миллийлигимиз, ўз урф-одатларимиз, мафкураю тафаккуримиз асосида яратилган асарларга, дунёвий билимларга кўпроқ ва кўпроқ эътиборни қаратмоғимиз лозим.

Менинг фикримча, боланинг тарбияси, аввало, уни бешикка белашдан бошланади. Сўнгра оилада шаклланади, камол топади. Болаларимиз етти ёшида етилиши зарур. Ота-она бўлдикми, биз учун асосий вазифа -- биринчи навбатда бола тарбиясидир. Бу ҳар бир оиланинг муқаддас бурчига айланиши керак. Бола ўз ота-онаси бағрида етти ёшгача нима ҳалолу, нима ҳаром, нимани қилиш мумкину, нимани қилиш мумкин эмас, ота-онага, атроф-муҳитга, ҳаттоки, жониворларга меҳр-муҳаббат билан қарашни англаб етмоғи лозим. Бола мактабга қадам қўйганида ўзини қандай тутиш, ўқишга қандай муносабатда бўлиш, Ватанга ва халқига содиқлик каби хислатлар унга сингдирилган бўлиши шарт. Мактабда эса, муаллимлар ота-оналар билан бирга ана шу ижобий фазилатларни янада такомиллаштириши, илм бериш билан бирга уларнинг ҳақиқий инсон бўлиб етишишлари учун жон куйдиришлари керак.

Фарзандларининг ҳақиқий ватанпарвар инсон бўлиб етишишини истаган ҳар бир ота-она ўз болаларининг хатти-ҳаракатларини кузатишлари, бу масалада қўни-қўшнилар ва маҳалла оқсоқоллари ҳам бепарво бўлмасликлари лозим. «Бола-болада» -- деб бепарволикка асло йўл қўйиб бўлмайди. Бола тарбиясига бепарво қараш жуда оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Чумолини оёғи билан эзган, жониворларга раҳмсизларча озор берган ва ўз ҳаракатидан афсусланмаган бола бир кун келиб ота-онасини ранжитмаслигига, ёки ўзга бир кишига нисбатан раҳмсизлик қилмаслигига, ҳаттоки пичоқлаб қўймаслигига ким кафолат бера олади?! Ҳолбуки, биз -- ота-оналар боланинг арзимасдек бўлиб кўринган бир чумолини ўлдирганлиги орқасида табиат мувозанатига зарба берилганлигини айтиб, жониворларга зарар етказишнинг оғир оқибатлари ҳақида етарлича тушунчалар беришимиз лозим эди. Хўш, бола боғчаданми, кўчаданми ёки мактабданми бир ўртоғининг, умуман ўзганинг нарсасини рухсатсиз олиб келиб, ўзининг шахсий мулки сифатида бемалол ишлатиб юришига эътибор қилдикми? Агар эътибор қилган бўлсак, ўша рухсатсиз олган (ўйинчоқ, қалам, ручка ёки бошқа буюмлар) нарсаси ҳақида уни огоҳлантириб, ўша кишидан кечирим сўратиб, нарсасини қайтариб беришга биз ота-оналар эътибор бердикми? Йўқ! Ана шу эътиборсизлик оқибатида болаларимиз катта бўлиб вояга етганларида ҳам, оила қуриб ўзлари фарзандли бўлганларида ҳам ўғирлик қилишдан, ҳаттоки, нарса деб кишиларнинг ҳаётига тажовуз қилиш билан мулкларини эгаллаш ҳолларига ёинки алдаш, фирибгарлик йўли билан кишиларнинг мулклари ҳисобига яшашга олиб келмадимикан? Афсуски, суд ишларининг амалиёти баъзи бир ёшлар ўзгалар ҳисобига яшашга ўринишаётганини кўрсатмоқда. Бу эса, айрим ота-оналар фарзандларининг ножўя хатти-ҳаракатларига эътиборсизлик билан қараганлигининг натижаси, аччиқ мевасидир. Боболаримиз «нима эксанг, шуни ўрасан» деб бежиз айтишмаган ахир.

Мен иш фаолиятим тақозоси билан ҳар ойда икки марта фуқароларни бевосита қабул қиламан. Гоҳида шундай ҳоллар бўладики, жиноят содир қилиб, судланган шахснинг отаси ёки онаси келиб, «болам ундай эмас, бундай эмас» деб шикоят қилишади. Жиноят ишини чақириб ўргансангиз, болам бегуноҳ деган ота ёки онанинг фарзанди оғир жиноят содир қилганлиги рад қилиб бўлмайдиган далиллар билан исботланган, оғир жиноят қилишдан олдин милиция ҳисобида турганлиги аён бўлади. Хўш, ана шу ота-она фарзандини тарбиялашда хатога йўл қўймаган деб айтиш мумкинми? Албатта, йўқ!

Шу кунларда ҳам ғирашира тушиб қолган кечки пайтда ва ундан кейин ҳам маҳалладаги хонадонлар атрофида пала-партиш жойлаштирилган ҳар хил гаражларнинг орасида нималар биландир шуғулланиб, ҳаттоки сигареталар чекиб, шовқин-сурон қилиб юрган, ҳали 16 ёшга ҳам тўлмаган ўспиринларни кўриб ҳайрон қоласан. Бу болаларнинг ота-оналари ҳаёт-ку, улар ота-оналик бурчларини нега бажармайдилар, дейсан киши. Болаларни назоратсиз қўйган бундай ота-оналарнинг қилмишига қандай баҳо бериш керак?! Умуман олганда, болаларнинг бемаҳалда кўчаларда тентираб юришлари бизнинг урф-одатимизга мутлақо зид эмасми?

Болалар мактабдан келганидан кейин овқатланиши, дам олиши ва уйга берилган вазифаларини тайёрлаш масаласига ҳам биз, ота-оналар етарли эътибор бермаётганлигимиз сезилмоқда. Мен, «ҳозирги ёшлар ундай бўлди, бундай бўлди, яхши эмас» деган фикрларга мутлақо қўшилмайман. Бу ёшлар бошқа бир планетадан келиб тушган эмас, булар бизнинг фарзандларимиз-ку! Уларнинг аксарияти олийжаноб ёшлардир, лекин, афсуски, улар орасида жиноят йўлига тушганлари, ахлоқи-бузуқ, меҳнат қилмай яхши яшашни орзу қилувчилар ҳам борки, бунга ота-она (оила), маҳалла, мактаб, керак бўлса ўша жойлардаги муҳитнинг ўзи ҳам сабабчидир. Ҳақиқатдан ҳам, бола мактабга ҳавас билан бормаса, мактабга борганда ўша фандан дарс бериш ваколати юкланган ўқитувчи ўрнига бошқаси дарс берса, уй топшириғига болани қизиқтирмаса ёки кечаги вазифани ким қандай ишлади экан, деб жон куйдирмаса, ўқишни ҳаёт билан боғлаб олиб бормаса, бола қандай қилиб ўқишга қизиқади. Баъзи ўқитувчиларнинг ўзлари мактабга келмасдан, турли баҳоналар эвазига бошқа ишлар билан шуғулланиб юрса, боланинг мактабга қизиқиши, билим савияси сусаймайдими?! Таффус пайтларида болалар билан бирга айланиб, ўқувчиларга ҳаётий воқеалардан айтиб бериб, ортларидан эргаштириб юрган ўқитувчилар ҳам йўқ эмас. Афсуски, бундай ўқитувчилар кам, жуда кам. Биз барча ўқитувчиларимизнинг ана шундай ижобий хислатлар эгаси бўлишларини истаймиз. Бу шунчаки хоҳиш-истак, ёки инжиқлик эмас, ҳаёт талабидир.

Республикамиз Президенти шу йил 5 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссияси йиғилишида сўзлаган нутқида ўқитувчи ва тарбиячиларнинг билим савияси замон талабларига жавоб бермаслигини алоҳида таъкидлаб айтдилар. Демак, ўқитувчи ва тарбиячига бўлган талаб янада кучаяди. Улар шу талабга муносиб бўлишлари даркор.

Биз барчамиз бир ёқадан бош чиқариб ёшларга ҳамма жойда (уйда, тўйда, азада, мактабда ва бошқа барча ўқув масканларида) тартиб-интизом, ҳалоллик, поклик, ота-онага, катталарга ва фаолларга ҳурмат билан қараш, фақат ҳалол меҳнат эвазига яшаш ҳиссини сингдиришимиз зарур.

Шаҳарларимизда чиройли истироҳат боғлари кўп. Уларда ота-оналар ўз фарзандлари билан сайр қилишлари одат тусига айланти-рилса, айни муддао бўларди. Театрларимизда ажойиб асарлар қўйилади, бироқ биз у ерларга болаларимизни эргаштириб бориб, театрларни тарбия ўчоғига айлантириш имкониятидан дуруст фойдалана олмаяпмиз. Зеро, ушбу асарларни кўриб, фарзандларимиз керакли ижобий таассуротларга эга бўладилар, дунёқарашлари ўсади, маънавияти бойийди. Биз, ота-оналар ана шунга сабабчи бўлсак, фақатгина сабабчи эмас, балким фарзандларимизда баркамоллик, маънавий юксаклик каби хислатларни шакллантира олсак, ўз бурчимизни бажарган бўламиз.

Республикамизнинг барча туманларида «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг бўлимлари очилган. Уларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, халқимизнинг асл ўғил-қизлари ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, илмли ва ҳунарли бўлишларини таъминлаш лозим. Ҳокимлар, жамоа бошлиқлари қишлоқ жойларда яшаётган ёшларни иш билан таъминлаш, илм олиш, бирор ҳунар эгаси бўлишлари учун шароит яратишлари ва улар бир кун келиб шу жойларнинг ҳақиқий эгалари бўлишлари кераклигини уқиришлари лозим. Бу -- катта масъулият билан ёндошиб, ҳал қилинадиган ўта жиддий масаладир.

Мен энди оилавий ҳаётимизда учраб турадиган айрим масалаларга ҳам эътиборингизни қаратмоқчиман. Болаларимизни турмуш қурганларида рўзғор камчиликларини ўз меҳнатлари эвазига бут қилишга ўргатсак, оилада учрайдиган айрим можароларнинг олдини олиш мумкин бўлади. Баъзи бир ота-оналар яқиндагина оила қурган фарзандларининг ҳаётини ўзларининг турмуш тарзларидан ҳам яхшилаб беришмоқда. Тевараги текис, ҳеч нарсадан муҳтожлик сезмайдиган бундай ёшлар энди нима қилишлари керак? Энди улар ортиқча гапдан бошқа нарсага бормайдилар. Улар энди «сеники, меники»га ўтадилар. Бунга ким сабабчи? Ота-она. Айрим маслаҳат берувчилар яхшилик қиламиз деб бир ботмон арзимас гаплар олиб келадиган ҳаракатларга сабаб бўлмоқдалар. Шунинг учун болаларимизга -- ёшларимизга эътиборсизлик билан қараш мутлақо мумкин эмас.

Халқимиз Европа давлатлари халқларининг одобахлоқидан тубдан фарқ қиладиган андишали, имонли, инсонга нисбатан ҳурмат, меҳр-шафқатли бўлганлар. Бундай қадриятларимиз ота-боболаримиздан мерос бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган. Афсуски, етмиш йилдан кўпроқ қарамлик даврида бундай қадриятларимизга раҳна солинди. Авлодларимиз ўқимишли, ишбилармон, одоб-ахлоқ ва ўрнатилган қонун-қоидаларга асосан иш олиб борувчи раҳбарлардан ва меҳнаткаш инсонлардан иборат бўлганликларини бугунги ёшларимиз билмасдан қолишлари асло мумкин эмас. Улар илм-ҳунарсиз жойда иғво, фасод ва бидъат пайдо бўлишлигини яхши билганлар. Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, борингки, давлатимизнинг қайси шаҳарларига борманг, аждодларимиз қўли билан яратилган ажойиб афсонавий иншоотларни кўрасиз ва дилингиз фахр ва ифтихор туйғуларига тўлади. Ана шундай маданият ва маънавият сарчашмаларига ворис бўлган асл ўғлонлар Ватан олдидаги бурчларини астойдил бажаришга қодирдирлар. Фақатгина айрим ота-оналар ҳар хил баҳоналар билан соғлом фарзандларини касалманд қилиб кўрсатиб, сафарбарлик ишларидан, ҳаттоки, Ватан олдидаги ҳарбий бурчини бажаришдан олиб қолишга уринишлари, ўз фарзандига нисбатан қилинадиган жиноятдан бошқа нарса эмас.

Ёшларимизнинг ҳуқуқий онгини ўстириш учун мактабларда алоҳида ҳуқуқий амалиёт дарсларини жорий этиш лозим. Бу амалиёт дарслари нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчилар учун ҳам фойдали бўлади.

Давлатимиз мустақил бўлганидан сўнг ўзлигимизни англаш, авлод-аждодларимизни билиш, урф-одатларимизни тиклаш, айниқса, ўз она тилимизга қайтиш каби улуғвор ҳаракатларимиз ҳозирданоқ ижобий самара бермоқда. Кўпчилик ёшларимиз меҳнатсиз даромад топиб яшаш вақтинчалик эканлигини тушуниб етган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланиб, ҳунар ўрганиб, касб эгаси бўлиб етишмоқдалар. Ёшлар ўртасида содир этилган жиноятлар сони ҳам камаймоқдаки, бу қувонарли ҳолдир.

1990--1991 йилларда умумий содир этилган жиноятлар учун судланганларнинг 8-9 фоизидан кўпроғини вояга етмаганлар ташкил этган бўлса, 1996 йилда бу кўрсаткич 3 фоиздан ошди, холос. Бу ёшларимиз ёмон йўллардан қайтишнинг уддасидан чиқишмоқда, деган маънони англатади.

Ўзбекистонимизнинг келажаги буюк. Шунинг учун буюкки, меҳнаткаш, фидокор халқимиз бор, изланувчан, билимга чанқоқ, шижоатли ёшларимиз камолга етмоқда. Маданиятли, ҳуқуқий ва сиёсий онги етук ёшларимиз ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан Ўзбекистонимиз номини дунёга таратади, халқимизнинг улуғ ишончини оқлайди, деб ишонаман.

Убайдулла МИНГБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси.

Ёз неъматлари

Саратоннинг жазирама кунлари қип-қизил бўлиб пишган тарвузларни кўриб, кимнинг баҳри-дили очилмайди, дейсиз. Айниқса, чанқаб турган пайтингизда тилими тилни ёрадиган ширин-шакар тарвузларга нима етсин. Жарқўрғон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги деҳқонлари 8 гектар ерга плёнка остига эртапишар тарвуз экиб, ундан мўл ҳосил етиштирдилар.

СУРАТЛАРДА: Ёдгорбобо Чориевнинг маслаҳатлари бебаҳо дейди, хўжалик бригадири А. Маматов; етиштирилган ҳосил истеъмолчиларга жўнатилмоқда.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 17 июлидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: *)

1 Австралия доллари	47,72	1 Норвегия кронаси	8,71
1 Австрия шиллинги	5,16	1 Польша злотийси	19,40
1 Англия фунт стерлинги	109,42	10 Португалия эскудоси	3,61
10 Бельгия франки	17,62	1 Сингапур доллари	44,86
1 Голландия гульдени	32,30	1000 Туркия лираси	0,42
10 Греция драхмаси	2,34	1 Финляндия маркаси	12,26
1 Дания кронаси	9,55	1 Франция франки	10,77
1 БАА дирҳами	17,62	1 Швеция кронаси	8,33
1 АҚШ доллари	64,69	1 Швейцария франки	44,10
1 Миср фунти	19,12	1 ЭКЮ	71,68
1 Ирландия фунти	97,94	10 Жанубий Корея вони	0,73
1 Исландия кронаси	0,92	10 Япония иенаси	5,69
10 Испания песети	4,31	1000 Россия рубли	11,18
100 Италия лираси	3,75	1 Украина гривнаси	34,84
1 Канада доллари	47,25	1000 Беларусь рубли	2,39
1 Хитой юани	7,80	1 Эстония кронаси	5,10
1 Қувайт динори	213,82	1 Латвия лати	112,50
100 Ливан фунти	4,22	1 Литва лити	16,17
1 Малайзия ринггити	25,42	1 Қозоғистон тенгеси	0,86
1 Германия маркаси	36,37	1 Қирғизистон соми	3,74

*) валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ташкилотлар раҳбарлари диққатига

КОРХОНА

Нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва сотиш чоғида аниқ ҳисоб-китоб олиб бориш ва ёнилғи-мойлаш омборларидаги ёнғинга қарши аҳволни тартибга солишда Сизга ёрдам беради.

Ўн йилдан зиёд тажрибага эга бўлган ва «Ўздавстандарт»нинг 0132 рақамли лицензиясини олган корхона

ҚУЙИДАГИЛАРНИ БАЖАРА ОЛАДИ:

- резервуарлар ва нефть қувурларини ҳажмий ва геометрик усулда ГОСТга мувофиқ тез ва сифатли даражалаш;
- резервуарлардаги тешик ва терчилаш (буғ билан қоғланиш)ни уларни нефть маҳсулотларидан бўшатмай туриб (оловсиз усулда) тез бартараф этиш;
- автомобилларга ёнилғи қуйиш станцияларида, ёнилғи мойлаш омборларида созлаш, ишга тушириш юмушларини бажариш.

Бизнинг телефонлар: /8-3712/ 55-84-22, 45-52-95.

БАНКРОТГА УЧРАЙДИ

вал хўжалик судлари томонидан амалга оширилган бўлса, ҳозирда эса бу ишларнинг асосий босқичлари билан бизнинг қўмита шуғулланмоқда.

Кейинги босқич тугатиш жараёни бўлиб, хўжалик судининг қарори билан бу вазифа мулк эгасига ёки қўмитага (унинг ҳудудий бошқармасига) юклатилиши мумкин. У қуйидаги тартибда олиб борилади:

тугатиш комиссиясини тузиш;

банкрот бўлган корхонанинг мулкини инвентаризация қилиш ва баҳолаш;

мулкни сотиш учун аукционга қўйиш ва сотиш;

мулкни сотишдан тушган маблағларни қонун асосида тақсимлаб, кредиторлар талабини қондириш.

Тугатиш жараёни Олий хўжалик суди ва республика кўчмас мулк биржаси билан ҳамкорликда тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Қарздор корхонанинг ўз хоҳиши бўйича тугатилиши ҳақидаги қарор эса шу номдаги вақтинчалик Низомга мувофиқ қабул қилинади.

Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари дастлабки иш натижаларига келсак, бирмунча амалий ишлар қилишга улгурдик. Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банкларининг маълумотларига асосан муддати ўтган кредиторлик қарзлари бўлган, иқтисодий ночор хўжалик субъектлари тўғрисида маълумотлар йиғилди. Эндиги мақсад, улар фаолиятини молиявий ва иқтисодий таҳлил қилиб, аниқ йўналишларини белгилаб бериш.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, жорий йилнинг апрель ойида «Ўзмевасабзавотузумсаноати» уюшмаси билан биргаликда соҳа корхоналари раҳбарлари ва мутахассислари иштирокида банкротлик ва санация бўйича амалий семинар ўтказдик. Анжуман якунида шундай хулосага келиндики, жойларда корхона раҳбарлари ва мутахассислар банкротлик ва санация масалаларида етарли маълумотга эга эмаслар. Демак, семинарларни бошқа соҳаларда ҳам ташкил қилиш керак.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 1997 йил 11 мартдаги «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги Фармонига асосан қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ночор, молиявий беқарор корхоналар бўйича маълумотлар базаси яратилди ва ҳозирда ҳар бир корхона фаолияти молиявий таҳлил қилиниб, қайта ташкил қилиш, ишлаб чиқариш турини ўзгартириш, тугатиш бўйича таклифлар тайёрланмоқда.

-- Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 27 март фармойишига асосан иқтисодий ночор ва истиқболсиз корхоналарни ихтисослаштиришни такомиллаштириш, соҳасини ўзгартириш ёки тугатиш бўйича республика ва тармоқ комиссиялари тузилди. Қўмитанинг комиссиялар билан биргаликда олиб бораётган ишлари қандай самара бермоқда?

-- Мазкур ҳужжатга асосан хўжалик субъектларини инвентаризация қилиш тармоқ комиссиялари билан биргаликда аниқ таклифлар ишлаб чиқилиб, ҳукумат комиссиясига тайёрланмоқда.

Масалан, машинасозлик корхоналарини рўйхатдан ўтказиш тармоқ комиссиясининг раиси, Бош вазир ўринбосари В. Чжен раҳбарлигида «Ўзэлтехсаноат», «Ўзмашсаноат», «Ўзавтосаноат», «Ўзбеккосмос» уюшмалари ва «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси раҳбарлари ҳамда тармоқлар корхоналарининг раҳбарлари иштирокида ҳар бир корхона бўйича ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланилиш даражаси, техникавий жиҳозланиш аҳволи, маҳсулотлар сифати, сотилишининг таъминланиши, корхоналарнинг молиявий аҳволи чуқур таҳлил қилиниб, уларни санациялаш, соҳасини ўзгартириш ва тугатиш бўйича аниқ хулосалар тайёрладик. Бу хулоса ва таклифлар тармоқлар бўйича умумлаштирилиб, ҳукумат комиссиясига тақдим этилди. Шунингдек, бошқа тармоқ комиссияларида ҳам худди шу тартибда иш олиб борилаяпти.

Қўмита ходимлари ва ҳудудий бошқармалар мутахассислари малакасини ошириш, тажрибаларини умумлаштириш мақсадида Олий хўжалик суди ва Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги менежмент ва инновация маркази билан биргаликда амалий-семинар ўтказилди ва шу куннинг талабидан келиб чиқадиган «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг айрим моддалари қўлланиши бўйича муаммоли масалалар счимига оид махсус йиғилиш ўтказдик. Шунингдек, май ойининг бошида иқтисодий ночор хўжалик субъектларини оғир аҳволдан олиб чиқиш, ишлаб чиқаришни қайта тузиш, иқтисодий ва молиявий ҳолатни таҳлил қилиш масалаларига бағишланган ўқув-семинари ташкил этдик. Хорижий мутахассислар иштирок этган ушбу тадбир ниҳоятда қизиқарли ўтди.

-- Юқорида бир нечта меъёрий ҳужжатлар ҳақида гапирдингиз. Айтинг-чи, қўмита амалиётда яна қандай меъёрий ҳужжатлар асосида иш юритмоқда?

-- Улар бир нечта ва шароитга қараб яна янгилари пайдо бўлиши мумкин. Чунки биз олиб бораётган ишлар иқтисодиётимизда бутунлай янгилик бўлиб, ушбу жараён бирмунча мураккаб кечиши табиий. Жумладан, иш фаолиятимизга оид ҳужжатларни тайёрлаш ва амалиётда қўлланиш ҳам. Албатта, барча ҳужжатлар тегишли қонун, фармон ва қарорлар асосида тайёрланади ва амалиётда қўлланилади.

-- Жойларда тузилган ҳудудий комиссиялар ишлари тўғрисида ҳам тўхталсангиз.

-- Ҳукумат комиссиясининг 1997 йил 7 февралдаги қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида ҳудудий комиссиялар тузилган. Уларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар ҳокимлари раис ҳисобланадилар. Бу комиссиялар мамлакат Президентининг «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги Фармонидан келиб чиқиб, жойлардаги хўжалик субъектларининг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, банкрот бўлишликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширадилар. Мол-мулкида давлат улуши бўлган иқтисодий ночор хўжалик юритувчи субъектлар бўйича қарорлар қабул қилиб, банкротлик тўғрисидаги ёки санациялаш ҳақидаги хулосаларини ҳукумат комиссиясида кўриб чиқиш учун қўмитага тақдим этадилар. Мулкчилик шаклидан қатъий назар иқтисодий ночор хўжалик юритувчи субъектлар бўйича қарорлар қабул қилиб, банкротлик тўғрисидаги таклифларини хўжалик судларига берадилар.

Бугунги кунда барча вилоятларда комиссиялар фаол ишламаяпти. Бизнинг ҳудудий бошқармаларимиз эса уларнинг ишчи органлари ҳисобланишади. Ҳозирда биргина «Тадбиркорбанк» тизимидан 76 иқтисодий ночор мижоз тўғрисидаги ишлар бу комиссияларда кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи» мухбири
Т. АБДУРАҲМОНОВ
суҳбатлашди.

«КАМОЛА ПАРВОЗИ» ФИРМАСИ

Тошкентдаги омборидан

● **GOODYEAR ШИНАЛАРИ**

175x70 R 13, 185x65 R 14, 205x70 R 14

Шунингдек, 260x508, 320x508 /Россияда тайёрланган/

● **МОТОР МОЙИ /ЧЕТ ЭЛНИКИ/**

● 6 ст 60 **АККУМУЛЯТОРЛАРИ**

● **«ВАЗ» ВА «ДОГАН» АВТОМОБИЛЛАРИ УЧУН ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР СОТАДИ**

ҲАҚ ТЎЛАШ ШАКЛИ — ИХТИЁРИЙ

Манзил: Тошкент, Тарас Шевченко кўчаси, 52. Тел.: 56-71-95, 54-68-92. Факс: 54-68-92.

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ «СОЛИҚ» ЛИЦЕЙИ 1997-98 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Лицей таянч мактабнинг 9-синфини «аъло» ва «яхши» баҳолар билан тугатган иқтидорли ёшларни математика ва чет тилидан тест ва синов асосида қабул қилади.

Лицейда умумтаълим фанлари математика, чет тили ва информатикадан чуқур билим бериш билан бир қаторда «Солиқ сиёсати асослари», «Банк иши», «Бухгалтерия ҳисоби», «Пул ва пул муомаласи» каби фанлар ҳам ўргатилиб, иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларига кириш учун мақсадли тайёрлов амалга оширилади.

Ўқув машғулотларини институтнинг етакчи профессор-ўқитувчилари олиб борадилар.

Лицейда ўқиш истагини билдирганлар қуйидаги ҳужжатларни қабул комиссиясига топширадилар:

1. Лицей директори номига ариза.
2. Таянч мактабини тугатганлиги ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси).
3. Туғилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси.
4. 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат.
5. 086-У формадаги тиббий маълумотнома.
6. Яшаш жойидан маълумотнома.

Ҳужжатлар шу йил 15 июлдан 5 августгача қабул қилинади.
Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, «Олмазор» кўчаси, 171-уй («Бешёғоч» бозори ёнида).

Телефон — 45-34-41.

ҚЎҒИРЧОҚЛАР ОЛАМИДА

Фарғона вилояти қўғирчоқ театри жамоаси тайёрлаган қизиқарли эртаклар асосидаги спектаклларни ёш мухлислар севиб томоша қилишаяпти. Уларда акс эттирилган эзгулик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик сингари инсоний фазилатлар мурғак гўдаклар қалбига ўз нақшини солиши, шубҳасиз. Шу боис ҳам театр зали болалар билан доимо гавжум бўлаяпти.

СУРАТЛАРДА: ёш томошабинлар олқиши; қўғирчоқ спектаклидан лавҳа; театр қўғирчоқбозлари Раъно Раҳматуллаева ҳамда Иброҳимжон Сулаймоновлар янги эртак устида ишлаяптилар.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган суратлар.

● СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

АСАБ ҲАҚИДА СЎЗ

Профессор Наби Мажидов -- Ўзбекистонда эъзозли ва чет элларда таниқли невролог олим. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси, Оврупо-Осиё Тиббиёт фанлари академиясининг академиги, Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби. Унинг раҳбарлигидаги неврологлар мактаби ҳозирги пайтда нафақат Марказий Осиёда, балки чет элларда ҳам маълум ва машҳурдир.

Олимнинг бош мия қоринчалари касаллигига бағишланган илмий кашфиёти дунё неврологиясида оламшумул кашфиёт тарзида қабул қилинди. 1986 йили Россия Тиббиёт фанлари академиясининг «Катта тиббиёт комусномаси»да (БМЭ) Н. М. Мажидов кашф этган «Хорисэпендиматитлар» илмий истилоҳи янги атама сифатида таҳлил этилди.

Профессор Н. Мажидов 31 йил давомида республика неврологлар жамиятига раислик қилиб келмоқда. Қуйида муҳтарам олимнинг «Халқ сўзи» газетаси учун махсус тайёрланган мақоласи билан танишасиз.



Дунёда инсон қўнглидан кенг, бепоён нарса йўқ. Ва, аксинча, одам қалбидек тор, бешафқат нарса ҳам топилмайди. «Қалбимга йўл топ», «Дилимга озор берма», «Кўриб жоним ачишиб кетди», «Сени соғиниб, юрагим ёнади» сингари инсон ички дунёсининг ҳаяжонларини, севинч, ғам-андуҳларини шарҳловчи сўзлар, биз, табобат аҳли учун катта маъноларни англатади. Зеро, асаб хасталиклари соҳасида мутахассис бўлганлигим, бир неча йиллардан буён энг нозик соҳа—асаб касалликлари устида илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётганлигим учун ҳам «кўнгил», «дил», «қалб» сўзлари менга яқин. Ахир инсондаги беқиёс асаб тизимлари ана шу нозик туйғулар билан чамбарчас боғланиб кетган. Буни мен ўзимнинг узоқ йиллик тажрибам асосида айтмоқдаман. Кўнгил забун, юраги дардли, қалби эзилган кишиларнинг кўпчилиги асаб касалига абадул-абад йўлиққанликларининг гувоҳиман. Яна шуни демоқчиманки, турли-туман хасталикларга қараганда, асаб касаллигига йўлиққанларни даволаш анча мушкул. Бундай ўйлаб қарасангиз, одатда аксарият хасталикларнинг асл сабаби оқибат-натижада асабга келиб тақалади. Масалан, жигар, буйрак, ё бўлмаса юрак касали билан оғриган одамларнинг ҳаёти нотинч бўлса, бу хасталикларни даволаш амримаҳол. Ёки асаб таранглашса, инсоннинг қон босими ҳам бирдан кўтарилиб, натижада мияга қон қуйилиш жараёни бошланади. Инсон аъзои баданидаги ҳамма нарса узвий бир-бирига боғлиқ.

Хулоса шундайки, ҳар бир инсон қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар, ташқи муҳит таъсирида бўладиган қаттиқ зарбалардан ўзини ҳимоя этишга ҳамиша тайёр турмоғи керак. Айниқса, давлат идораларида ишловчи кадрлар ишда, муомалада босиқлик билан, арзимаган нарсаларга аччиғланмай, овозини баланд кўтармай, хушмуомалалик билан иш юритмоғи даркор. Юксак маданият, олижаноблик, ақл-заковат ҳамиша Сизнинг ҳамроҳингиз бўлсин.

Киши жисми-танасининг беминнат ишлаши, заҳматкашлигининг сиру асрори унинг бош мия орқали бошқарилишидадир. Сиз ўта ҳаяжонлансангиз, бирон нарсадан сескансангиз ёки нимадандир ҳексиз шодланган чоғингизда юрак гўё қинидан чиқиб кетаётгандек, гупиллаб ура бошлайди. Чўқур ўйлаб қарасангиз, бунинг асосий сабаби -- асабдан. Биз бош мия тўғрисида кўп нарса билмаймиз, бу мўъжиза шунчалик сирли ва мураккабки, ҳозирги замон илмфани уни тушунтириб беришдан анча ожиз. Шу соҳада иш олиб борувчи мутахассислар бош мияни «қора қути»га ўхшатишади. Уларнинг фикрича, шу сирли қути ўзига тушган ахборотларни инсон ақли бовар қилмайдиган даражада тезлик билан таҳлил эта олади, зудлик билан хулоса чиқара олади.

Бош миянинг пўстлоқ қаватида 14 миллиардлан зиёдроқ асаб ҳужайралари ва юз минг миллиард ҳужайраларо алоқалар мавжуддирки, бу инсоннинг ақлий ва маънавий дунёси, қобилиятини белгилайди. Бош мия ниҳоятда кўп нейрон-ҳужайралардан иборат бўлиб, ҳар бири 25 ваттгача бўлган қувватга эга. Шу қувват ёрдамида 1 соатда 6,2 грамм глюкозани, 3 литр оксигенни қуйдиради. У ўзида 1 триллиард-бит маълумот сақлаш қобилиятига эга. Ҳолбуки, ҳозирги замон компьютерлари ўзида 80-100 миллиард-бит маълумотни сақлай олади холос.

Бош мия ҳақида бунчалик сўз юритишимизнинг боиси шуки, қон томири билан ёнма-ён инсон танасининг энг нозик жойларига қадар чирмашиб кетган, кўз илғамас асаб тизимларининг маркази бориб мияга тақалади. Инсон танаси, иборали қилиб айтганда, ана шу олий «марказ»дан туриб бошқарилади. Бош мия шу қадар бепоён, тенгсиз ва мураккаб уммонки, унинг бошланиши қайда-ю, тугалланиши қайда -- бу ёлғиз Аллоҳгагина аёндир. Танада бўладиган барча ўзгаришлар ўша марказга тезкорлик билан аён бўлади, буни инсон ҳар дақиқа сезиб, билиб, кўриб, эшитиб, тотиб туради.

Бизнинг қадим бобокалонларимиз, Шарқ оламининг тенги йўқ ҳакиму ҳозиқлари, жумладан, бизнинг азиз ватандошимиз, тиббиёт оламининг буюк алломаси Ибн Сино ҳам асаб касалликлари хусусида тенги йўқ асарлар битганки, бу жаҳон тиббиёт илмида ҳозирга қадар ҳам ўрганилиб, фойдаланилмоқда. Ибн Сино асаб касалига йўлиққан одамларни қандай қилиб даволагани бизга маълум. Буни биз асаб табиблари кўп ишлатганмиз.

Инсон ҳаёти жуда мураккаб. Қувончли, саодатли қунлар, ғамташвишли дамлар инсон зотини не кўйларга солмайди, дейсиз. Асаб торлари ана шу мураккаб дунёнинг барча ташвиш ва қувончларига бардош беришга мажбурдир. Ана шу қийинчиликларга бардош бера олмасангиз, иродангиз етмаса, унда оғир асаб хасталиги бошланади, хотира йўқолади. Шундай хотирасизлик касаллигига йўлиққан АҚШнинг собиқ Президенти Рональд Рейган ўз халқи билан оммавий ахборот воситалари орқали тириклигидаёқ видолашишга мажбур бўлган эди.

Истиқлолимиз учун соғлом ақл соҳиблари даркор. Соғлом авлодни тарбиялашни боғчадан, мактабдан бошлаш керак. Ақлзаковатли, бақувват ёшларни камол топтиришга ўз муносиб ҳиссамизни қўшмоғимиз керак.

Ибн Синодан бир киши «Фарзандни қандай тарбиялаш керак?» деб маслаҳат сўрабди. Шунда улуғ табиб:

-- Болангиз неча ёшда, -- деб савол берибди.

-- Уч яшар, энди тили чиқа бошлади, -- дебди ҳалиги одам.

-- Кеч қолибсиз, -- дебди Ибн Сино. -- Сиз бу ишни уч йил илгарироқ бошлашингиз керак эди...

Бу гапда олам-олам маъно бор. Негаки, янги туғилган чақалоқнинг ўзи, аввало, соғлом бўлсин. Кейин болани авайлаб, зарур шароитларни яратиб, бешикдаги чоғидаёқ унинг келажакда соғлом бўлиб етишиши ҳақида ўйлаш керак. Ёдимда, 1996 йили Москвада Ислом дини ва ҳозирги замон илми хусусида халқаро илмий анжуман бўлди. Уни мисрлик олим ал-Зиндоний бошқарган эди. Шунда америкалик атоқли академик, жаҳонга машҳур «Эмбриология» китобининг муаллифи Мур: «Она қорнидаги ҳомила 42-45 кунлик чоғидаёқ ташқарида бўлаётган воқеаларни сеза бошлайди» деганида, Исломшунос алломалардан бири Қуръонда бу ҳақда аллақачон айтилган-ку деб, исбот учун муқаддас китобнинг ўша сурасини ёддан ўқиб берган эди. Симпозиум қатнашчилари бундан лол бўлиб қолишди.

Бу мисолни келтиришимнинг боиси, қоринда бир парча гўшт ҳақиқатдан ҳам 40-45 кунда одам қиёфасига киради. Шу даврдан бошлаб отаона ўзларини ёмон гапларидан, ҳаяжонланишлардан тийиқлари даркор. Ҳомиладор аёлнинг асаби бузилса, ҳаёти нотинч бўлса, бўлажак фарзанд ҳам қоринда безовталаниб, саломатлигига таъсир қилади. Болаларнинг нимжон, баъзан асаби бўш, йиғлоқи бўлиб туғилишининг сабаби ҳам ана шунда!

Халқимизда: «Фарзанд -- азиз, соғлиғи, одоби ундан азиз», деган гап бор. Фарзандларимизни соғлом, ақл-заковатли, қувноқ, одамохун этиб тарбиялашни асосий мақсад сифатида олдимизга қўймоғимиз керак. Бу -- замон талаби, истиқлолимиз қўйган вазифа!

Наби МАЖИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор.

ФАҚАТ ИНГЛИЗ ТИЛИДА

Мироқидаги «Пахтасавдосаноат» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Лочин» дам олиш масканида инглиз тилини ўрганаётган иқтидорли болалар ёзги оромгоҳи ташкил этилди. Бу ерда республикамизнинг 9 вилоятидан келган 247 нафар ўқувчи ва 103 нафар ўқитувчи дам олмоқда. Оромгоҳда ўн икки кун мобайнида мулоқот ва сўзлашувлар фақат инглиз тилида бўлади.

А.ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири.

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАЛАРИ

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг ташкил топганига уч йил бўлди. Бугунги кунда биргина Самарқанд вилоятида унинг 23 та бўлими фаолият кўрсатаяпти.

Мазкур бўлим томонидан амалга оширилаётган ишларнинг икки муҳим жиҳатини алоҳида қайд этиш керак: биринчиси -- Самарқанд замини тарихи, жуғрофияси, табиий бойликлари, осори-атиқалари, шу ердан етишиб чиққан улуғ кишилар ҳаёти ва фаолияти билан танишиш, маҳаллий сайёҳликни йўлга қўйиш яхши ташкил этилган. Иккинчиси шуки, маънавият ва маърифатнинг бевосита амалий жиҳатларига, масалан, бозор иқтисодиёти шароитида касб ўрганиш, ҳарбий хизматга тайёрланиш, оила қуришга ҳозирлик кўриш, оила удумлари, тежамкорлик сирлари, уй тутиш, меҳмон кутиш одоблари, қайнона-келин муносабатлари каби масалаларга эътибор қаратилаяпти. Ҳар қандай тадбир ҳаёт билан, амалиёт билан чамбарчас боғланса, самаралироқ бўлиши табиий.

Зиёда ҒАФФОРОВА.

● СПОРТ

ХАЛҚАРО ҚАРОРГОҲ

ТОШКЕНТДА ҚАРОР ТОПИШИ КУТИЛМОҚДА

Канаданинг Торонто шаҳридан Осиё таэквандо (ИТФ) федерациясининг штаб-квартираси Тошкентда қарор топиши режалаштирилаётганлиги ҳақида хушхабар етиб келди.

-- Осиё таэквандо (ИТФ) федерацияси штаб-квартирасининг Тошкентда бўлиши халқаро майдонда нуфуз қозониб бораётган мустақил юртимиз учун беқиёс аҳамиятга эга, -- дейди қитъа таэквандо федерацияси бош котиби Фарҳод Тожибоев. -- Ахир юрагида Ватан туйғуси мужассам қайси бир инсон дунёнинг 29 мамлакатидаги ишлари бошқариб борадиган халқаро спорт ташкилотининг қароргоҳи ўз юртида бўлишини истамайди, дейсиз? Бу, бир томондан, ёш мамлакатимизнинг халқаро майдондаги мавқеини, даражасини белгилашда, юрт довруғини таратишда катта аҳамият касб этса, иккинчи томондан, ёшларнинг миллий ғурурини кўтариш, Ватан, она-юрт билан фахрланиш туйғуларининг янада камол топишига хизмат қилади.

Фарҳод аканинг тўлқинланишларини тушунса бўлади. Бу ҳаяжонланишлар, албатта, Ўзбекистоннинг халқаро майдонга чиқиб бораётганлигидан қувонганининг ифодасидир. Умуман, халқаро спорт федерациясининг штаб-квартираси Тошкентга келиши қандай юз берди?

Халқаро таэквандо федерациясининг (ИТФ) Торонто шаҳрида ўтказилган конгрессида Осиё қитъаси делегатлари ҳамюртимиз Вольмир Лигайни Осиё федерацияси президенти этиб сайлашди. Шундай қилиб, В. Лигай ўзбекистонликлар орасида халқаро спорт ташкилотига раҳбар этиб сайланган биринчи кишидир. В. Лигай, шунингдек, собиқ Иттифоқ мамлакатлари ҳудудида VI дан қорабелбоғ соҳиби бўлган ягона таэквандо устасидир. У қатор йиллар давомида ИТФ йўналишидаги халқаро таэквандо федерацияси қўмиталарида ишлаган. 1991 йилда Осиё-Тинч океани (ОТФ) ҳудудий федерациясининг ташкил этилишига ўз ҳиссасини қўшди. Ўша йилнинг декабрида Ўзбекистон мустақил мамлакат сифатида биринчилардан бўлиб ушбу федерацияга аъзо бўлди.

Торонто конгрессида Япония, КХДР ва бошқа мамлакат таэквандо федерациялари ҳам ОТФ президентлигига ўз номзодларини кўрсатишди, албатта. Бу фахрли, масъулиятли лавозимга делегатлар номзодларидан бирини сайлашда кўпроқ шахс нуфузига эмас, балки номзоднинг қайси мамлакатдан эканлигига эътибор беришди десак, хато қилмаган бўламиз. Зеро, Ўзбекистон ҳудудий жиҳатдан Осиё қитъасининг деярли марказида жойлашган, қолаверса, мамлакатимизда спортга эътибор кучли эканлигини эндиликда хориждагилар жуда яхши билишади. Буни Халқаро таэквандо федерацияси президенти генерал Чой Хон Хи ўз нутқида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди. Мамлакатимизда барқарорлик, осойишталик ҳукм сураётганлигига, иқтисодий ютуқларимиз йилдан-йилга юксалиб бораётганлигига урғу берди. «Бугунги кунда жуда қисқа даврда кишилар соғлигини мустаҳкамлаш йўлида улкан ишларни амалга оширган иккинчи бир шундай мамлакат дунёда йўқ», -- деди, жумладан, у.

Яна бир йилдан сўнг 80 ёшни қоралайдиган, ўзбекона ифодалаганда, кўпни кўрган, 120 мамлакатни ўзига бирлаштирувчи халқаро федерациянинг раҳбари бўлган бу инсон нимани назарда тутганлигини конгресс қатнашчилари зукколик билан англашди ва унинг фикрларига қўшилишди. Зеро, Ўзбекистоннинг спорт соҳасида нималарга қодирлигини эндиликда дунёнинг кўпгина мамлакатлари яхши билишади ва бу кафолатни улар спортнинг аҳамиятига теран тушунадиган мамлакатимиз раҳбари Президент Ислом Каримов тимсолида кўришади. Зотан, юртбошимиз Халқаро олимпия ҳаракатини, спортни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Халқаро олимпия қўмитаси (ХОҚ) ва Осиё олимпия кенгашининг (ООК) Олтин олимпия орденлари билан мукофотланди. Халқаро таэквандо федерацияси (ИТФ) эса мамлакатимиз раҳбарининг спорт ривожига қўшаётган ҳиссаси, ташаббускорлигини янада олдинроқ эътироф этган эди, яъни Президент Ислом Каримовга тўқсонинчи йилларнинг бошидаёқ ИТФ президенти Чой Хон Хи томонидан таэквандонинг энг юқори фахрий тоифаси -- V дан қорабелбоғ соҳиби гувоҳномаси берилганди. Бу, албатта, мамлакатимизда таэквандони ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилгани, кенг имкониятлар эшиги очилгани туфайлидир. Эндиликда юртимиз вакиллари дунёнинг энг кучли таэквандочиларидан бири саналаётганлиги ҳам ана шу таг-замин боисидир. Хусусан, ўсмирларимизнинг терма жамоаси ўтган йили жаҳон чемпиони бўлишгани фикримизнинг далили бўла олади.

ИТФ раҳбарияти яқин орада Тошкент дунё таэквандоси пойтахтларидан бирига айланишига, Осиё таэквандо федерациясининг штаб-квартираси шу шаҳарда қарор топишига умид билдиряпти. Тўғри, бу ҳозирча расмий эътироф этилганича йўқ. Халқаро федерациянинг раҳбарлари эса маълум. Шу кунгача федерацияга президентлик қилиб келган малайзиялик Тенгки Мизон Зайнал ўрнини конгрессдан сўнг ҳамюртимиз Вольмир Лигай, федерация бош котиблигини Фарҳод Тожибоев эгаллади. Федерациянинг биринчи вице-президенти лавозимини япониялик Хван Жин бошқаради. Хуллас, Тошкент илк марта халқаро спорт федерацияси қароргоҳини қабул қилиш арафасида турибди.

Расул ЖУМАЕВ.

ВРАЧЛАР УЧУН АҲБОРОТ

АПЗОН

- ЖКТ катогенларига таналб таъсир этадиган восита;
- кенг спектр,резистентга ўрин қолмайди;
- ичакларнинг нормал ҳолатини бузмайди;
- ЖКТ бўшлиқларида тўпланади.

5-10 кун давомида кунига 4 марта 1 таблеткадан

1 суткан давомида фарм ҳимоя

Тошкент кимё-технология институти жамоаси «Кимёвий технология жараёнлари ва қурилмалари» кафедраси мудири, профессор Х. С. Нурмуҳаммедовга онаси

МАВЖУДА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ҳ. М. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институти жамоаси катта муҳандис

Хурулвой ТОШМАТОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласи ва қариндошуруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

БУГУНГИ КУННИНГ ПЕШҚАДАМЛАРИ САФИДА БЎЛМОҚЧИМИСИЗ?

УНДА ТАНЛОВДА АДАШМАНГ!

U-TEL™ УЯЛИ ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ

MOTOROLA ALPHA ELITE LITE

ERICSSON 318 338 388

NOKIA 2160

УЯЛИ ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЕТАКЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

БИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛСАНГИЗ, АЛБАТТА, МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНАСИЗ!

Жаҳондаги 60 миллион киши DIGITAL/AMPS, AMPSни танлади.

Ўзбекистон Республикаси, 700115, Тошкент шаҳри, Гагарин кучаси, 40-уй.
Телефонлар: (3712) 126-66-00, 778-688, 777-688, 777-638 Факс (3712) 406-504

U-TEL

©BVV

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 36-37-85;
Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0449, 34.845 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Й. Исмоилов.
Навбатчи — Ш. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Бободўст.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 22.25 1 2 3 4 5 6